

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ – СИФАТ КАФОЛАТИ

Шукурова X

ЖДПУ катта ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7231922>

Аннотация. Уибу мақолада олий таълимда муаммоли таълим технологияларини дарсларда қўллаши юзасидан методик тавсиялар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: таълим мазмуни, таълим тушунчаси, муаммоли таълим, таълим олиши технологияси, муаммоли суҳбат, муаммоли вазият.

ПРОБЛЕМНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ - ГАРАНТИЯ КАЧЕСТВА

Аннотация. В данной статье предложены методические рекомендации по применению технологий проблемного обучения на уроках.

Ключевые слова: образовательное содержание, образовательная концепция, проблемное обучение, образовательная технология, проблемная беседа, проблемная ситуация.

PROBLEM-BASED EDUCATION - QUALITY ASSURANCE

Abstract. Of the technology of the samples have been granted pertained to utilization of the technology of discussive case study in the regime of higher education.

Key words: educational content, educational concept, problem education, educational technology, problem conversation, problem situation.

КИРИШ

Ўзбекистон Президентининг “Олий таълим тизимини ривожлантириш” концепциясига биноан унинг ижросини таъминлаш борасидаги қарорларида белгиланган вазифалардан бири таълим-тарбияни сифатини кўтариш, таълим мазмунини янгилаш, ёш авлоднинг ақлий интеллектуал тараққиётини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим-тарбиянинг янги моделини илмий-педагогик жихатдан такомиллаштириб беришдан иборатдир. Бу эса таълим-тарбия жараённига янги педагогик технологияларни киритиш орқали амалга оширилади.

Узоқ йиллик кузатишлардан маълумки, 5 йилгача педагогик стажга эга бўлган ёш ўқитувчилар дарс жараёнида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ҳақида тўла тасаввурлари мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Технология ва дидақтлар ўтказган текширишлар, ўқувчиларда ақлий ва амалий фаолиятнинг рационал усувларини шакиллантириш бўйича ўқитувчининг мақсадга йўналтирилган иши пировард натижада ўқувчиларнинг вақтни анча кам сарфлаган ҳолда улар билимларининг сифатини оширишга ёрдам беришларини кўрсатади. Бунинг учун дарс жараённига замонавий усувларни киритиш орқали яхши натижаларга эришиш мумкин.

Аслида муаммоли таълим тушунчаси янги тушунча эмас, аммо таълим жараённига қўлланилиши жихатдан мавзунинг мазмунини ўқувчи онгиги етказиш ва уларнинг ўйлашга ундаш, фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришида таълим беришининг янги ланган варианtlаридан бири ҳисобланади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Масалан, муаммоли суҳбат, муаммоли вазиятни вужудга келтирадиган(муаммоли масалалар ечишда ўқувчиларда бор бўлган билимларга қарама-қарши бўлган топшириқларни бажариши, суҳбат давомида ҳаётий тажрибанинг илмий билимларга

қарама-қаршилигини аниқлаш ва бошқалар) муаммоли вазиятда ҳосил бўлган қарама-қаршиликларини сабаби ҳақида ўқувчилар айтган тахминлар йўлида уларни фикрлаш фаолиятига йўналтирувчи(зарур билимларни актуаллаштириши ўхшатиш ва бошқалар); суҳбат давомида ўқувчилар айтган тахминларни илмий асосланган назарияга мос келишлари текшириши усуллари орқали амалга оширишади.

Таълим тизимида фаолият қўрсатаётган ҳар бир ўқитувчи дарс жараёнида муаммоли таълим усулларини қўллаш учун аввало қўйидаги кетма-кетликни аниқ билиб олишлари зарур.

-муаммони қўйиш;

-муаммони характерловчи шароитларни ўрганиш;

-қўйилган муаммони ҳал қилиш йўлларини излаш;

-топилган ечимини излаш ва ҳал қилиш жараёнида пайдо бўлган янги билимларни аниқлаш;

-бошқа масалаларни ечишда янги билимларни тадбиқ этиш, муаммони тизимлаш (ўқувчининг ривожланиши барча компонентларга хос билимларини қайта тикланиши) мотивлаштириш (фанга бўлган қизиқишини шакллантириш) ва умумлаштириши;

- муаммо ечимини ўрганиш, ечимнинг янада ихчам ва қулай йўлларини излаш;

Фикримизни асослаш учун муаммоли дарс сифатида “Бошланғич синфларда сон сўз туркумини ўргатиш” мавзусида муаммони таълим технологиясини қўллаш бўйича намуна келтириб ўтамиз.

I-муаммо. Сен сўз туркуми неchanчи синфда ўтилган?

Муаммони ҳал қилувчи шартлар илова этилади.

- муаммони ҳал қилиниши;

-сон сўз туркумини ўтиш юзасидан фикрлар алмасинилади.

II- муаммо. Сон сўз туркуми қандай саволлар орқали аниқланади:

Мазкур муаммо қанча? нечта? неча? сўроқларига жавоб бериши орқали аниқланади?

Қанча? сўроғи қачон қўлланилади?

Нечта? сўроғига жавоб берадиган сўзлар талабалар томонидан изоҳланади.

III- муаммо. “ Бир бор екан, бир йўқ экан” деган гапимизда сон сўз туркуми иштиrok этганми?

-Ушбу муаммо юзасидан гурухлардаги фикрлар она тили дарслигдаги қоидалар орқали асосланиб исбот қилинади.

Ҳар бир гурухга сон сўз туркумiga хос бўлган гаплар берилиб, ундан сон сўз туркумiga оид бўлган сўзларни топшириш орқали муаммони ечиш янада ойдинлаштирилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ ВА МУҲОКАМА

Бу дарсда бошланғич синф ўқувчиларига хос бўлган дидактик ўйинлар муаммо вазият шаклида ташкил этилиши ҳам мақсаддага мувофиқдир.

Муаммоли таълим технологияларидан фойдаланишда компьютер технологияларидан фойдаланиш ҳам жуда катта натижада беради.

Янги бу технологиялар ёрдамида таълим олувчига керакли маълумотларни етказиши билан бир қаторда, муаммони ўз ўрнида қўя олиш, уни билимини синаш,

хатоларини кўрсатиб бериш, керакли кўрсатма ва методик ёрдамлар бериш, таълим олувчининг ақлий салоҳиятини янада чукур фикрлатишга ундаиди.

Муаммоли таълим олишнинг яна бир муҳим хусусияти, таълим олувчининг қобилияти, қандай маълумотларни олишга мухтожлиги, характерли ва унинг қанчалик муаммоларни ҳал этишга қизиқиши ва киришишидир. Яъни, ўзи истаган тарзда олиш имкониятига эга бўлган.

ХУЛОСА

Муаммоли таълимнинг яна бир афзаллик томони шундаки, унда талабалар дарс давомида қўйилган муаммоли вазиятни ҳал этиш билан бир қаторда, дарсдаги иштироки янада фаоллашади, яъни пассив тингловчидан, актив иштирокчига айланади.

Агарда талаба муаммоли таълим олиш технологиясини яхши ўзлаштира олса, ҳозирги кунда кўпинча йирик корхоналар, турли тадбиркорлик соҳаларида жуда катта натижага эришишлари учун муҳим омил эканлигини унутмасликлари лозим.

REFERENCES

1. Ў.Толипов “Муаммоли таълим технологиялари ” Тошкент “Ўқитувчи” нашриёти 2010 йил.
2. Фербермен Б.А. ”Илғор педагогик технологиялари” Тошкент “Фан”, 2000 йил.
3. Мусурмонов А. “Муаммоли вазиятларни яратиш” Тошкент “Молия” 2012 йил.
4. Ж.Йўллошев, Ф.Йўллошева, Г. Йўллошев “ Интерфаол таълим сифат кафолати ” Тошкент 2008 йил.
5. D.A.Kulboyeva, M.B.Tursunova FORMATION OF CREATIVITY OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL(GIIRJ) ISSN (E): 2347-6915 12.Dec ()